

# Америка-Ўзбекистон савдо саноат палатаси раиси Кэролин Лэмм "Ўзкимёсаноат" АЖга ташриф буюрди

// 20.12.2019

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/carolyn-lemm>



Бугун "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятида "White & Case LLP" компаниясининг катта бошқарувчиси, Америка-Ўзбекистон савдо саноат палатаси раиси Кэролин Лэмм билан музокаралар ўтказилди.

Учрашув давомида томонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 3 апрелидаги ПҚ-4265-сонли "Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**